



## Ислом Нури

### Тўртинчи руқн: Пайгамбарларга иймон келтириш

“Ахлуссунна вал-жамоа” Аллох субхонаху ва таоло бандаларига жаннатдан башорат ва жаханнамдан огохлантирувчи, одамларга ҳақ йўлни кўрсатиш ва уларни зулматлардан нурга чиқариш учун ҳақ динга даъват этувчи пайгамбарларни юборган эканига иймон келтириб, катъий эътиқод киладилар.

Пайгамбарлар даъватидан мақсад, халқларни ширк ва бутпарастликдан кутқариш ҳамда жамиятларни бузгунчилик ва фасоддан тозалашдир. Улар пайгамбарлик (рисолат) ни етказдилар, омонатни адо етдилар, умматга насихат ва Аллох йўлида ҳақиқий жиход килдилар. Улар ўзларининг ростгўй эканликларига далолат киладиган очик-равшан мўъжизалар олиб келдилар. Кимки пайгамбарларнинг бирига кофир бўлса, Аллох таоло ва барча пайгамбарларга кофир бўлади. Аллох таоло деди: **“Албатта Аллох ва унинг пайгамбарларига ишонмайдиган, Аллох билан пайгамбарларининг ўртасини ажратишни истайдиган ва: “Биз уларнинг баъзиларига ишонамиз ва баъзиларига ишонмаймиз” дейдиган ҳамда (иймон билан куфр ўртасидаги) ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар — ана ўшалар ҳақиқий кофирлардир. Биз кофирларга хўрловчи азобни тайёрлаб кўйганмиз. Аллох ва унинг пайгамбарларига иймон келтирган ҳамда улардан биронтасини ажратиб кўймаган зотларга эса яқинда (Аллох муносиб) мукофотларини ато этажак. Аллох Мағфиратли, Раҳмли Зотдир”** (Нисо: 150-153).

Аллох таоло пайгамбарларни юборишдаги хикматни куйидагича баён килди: **“Токи бу пайгамбарлар (ўтганлари)дан кейин одамлар учун Аллохга қарши ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун**



## Ислом Нури

**пайгамбарларни (мўминларга жаннат хакида) хушхабар берувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) кўрkitувчи килиб юбордик. Аллох Кудратли ва Хикматли Зотдир” (Нисо: 165).**

Аллох таоло кўп пайгамбарлар юборди ва уларнинг айримларини Куръон Каримда ёки расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг тилларида зикр килди. Айримларидан эса хеч кандай хабар бермади. Аллох таоло деди: **“Биз хар бир умматга: “Аллохгагина ибодат килинглари ва тогутдан узок бўлинглари” — деб даъват этадиган элчини юборганмиз”** (Нахл: 36).

Куръон Каримда набий ва расулларнинг йигирма бештаси (25) зикр килинган. Улар: Одам, Идрис, Нух, Худ, Солих, Иброхим, Лут, Исмоил, Исхок, Яъкуб, Юсуф, Айюб, Шуайб, Мусо, Хорун, Зул-кифл, Юнус, Довуд, Сулаймон, Илёс, Алясаъ, Закариё, Яхё, Ийсо ва Мухаммад, Бани Исроилга юборилган ва Куръон Каримда Асбот исми билан баён килинган пайгамбарлардир (уларнинг барчасига Аллохнинг салавот ва саломлари бўлсин!). Аллох таоло деди: **“Аникки, Биз Сиздан илгари (кўп) пайгамбарлар юборгандирмиз. Улардан Биз Сизга хикоя килиб берганлари бор, яна улардан Биз Сизга хикоя килмаганлари ҳам бордир... ”** (Гофир: 78).

Аллох таоло баъзи пайгамбарларга бошкаларга бермаган афзалликларни берди. Ислом уммати расуллар набийлардан афзал эканларига иттифок килди. Расуллар ҳам ўзаро бир-бирларидан фазилатда турличадирлар. Расул ва набийларнинг энг афзаллари бешта бўлиб, уларни “улул-азм” (матонатли элчилар) деб аталади. Улар: Мухаммад, Нух, Иброхим, Мусо ва Ийсо алайхимуссолату вассаломлардир.



## Ислом Нури

Улул-азмларнинг энг афзали эса набий ва расулларнинг сўнггиси, Роббул-Олабийнинг элчиси Мухаммад ибн Абдуллох соллаллоху алайхи ва салламдирлар. Аллох табарока ва таоло деди: “... **Балки, у — Аллохнинг элчиси ва пайгамбарларнинг сўнггисидир**” (Ахзоб: 40).

“Ахлуссунна вал-жамоа” Аллох таоло исмларини баён килган ва ё килмаган аввали Одам алайхиссолату вассалом, охири ва уларнинг энг афзали Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламга кадар юборилган барча пайгамбарларга иймон келтирадилар.

Пайгамбарларга бўлган иймон умумий бўлса-да, пайгамбаримизга бўлган иймон муфассал бўлиб, олиб келган таълимотларига муфассал тарзда иймон келтиришимизни такозо этади.

### **Мухаммад расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам**

У Абул-Косим Мухаммад ибн Абдуллох ибн Абдулмутталиб ибн Хошим ибн Абдуманоф ибн Кусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Голиб ибн Феҳр ибн Молик ибн Назр ибн Кинона ибн Хузайма ибн Мудрика ибн Илёс ибн Музар ибн Низор ибн Маъд ибн Аднон ва Аднон набиюллох Исмоил ибн Иброхимнинг зурриётидан (ала набийина ва алайхима ассалам).

У зот набий ва расулларнинг сўнггиси, одамларнинг барчаси учун юборилган расулдир. У зот рад этилмайдиган элчи, сигинилмайдиган банда, махлукотларнинг энг яхшиси, Аллох таоло учун уларнинг энг афзали ва мухтарами, энг макоми буюги ва василада Аллох таолога энг яқинидир.

У зот инс ва жинларга хакикат ва хидоят билан юборилгандир. Аллох у



## Ислом Нури

зотни барча оламга раҳмат килиб юборди. Аллоҳ таоло деди: **“Биз сизни барча оламга раҳмат килиб юбордик”** (Анбиё: 7).

Аллоҳ таоло унга ўз Китобини туширди, уни Ўз динига омонатдор килди, рисолатни етказишни унга юклади ва уни рисолатни етказар экан адашишлардан саклади. Аллоҳ таоло деди: **“Ва у ўз хавойи-хохишидан сўзламас. У фақат унга ваҳий килинаётган бир ваҳийдир”** (Нажм: 3, 4).

У зотнинг рисолатига иймон келтирмагунига ва унинг пайгамбарлигига гувоҳлик бермагунига қадар ҳеч бир банданинг иймони дуруст бўлмайди. Ким унга итоат қилса жаннатга қиради. Ким унга осий бўлса жаҳаннамга қиради. Аллоҳ таоло деди: **“Йўқ, (Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Парвардигорингизга касамки, то улар ўз ўрталарида чиккан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунлари-бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар.”** (Нисо: 65).

Хар бир пайгамбар ўз халқи учунгина ҳослаб юборилар эди. Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса бутун башарият учун юборилдилар. Аллоҳ таоло деди: **“Биз сизни бутун башарият учун хушхабарчи ва огоҳлантирувчи килиб юбордик”** (Сабаъ: 28).

“Ахлуссунна вал-жамоа” Аллоҳ таоло Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни очик мўъжиза ва аниқ оятлар билан қувватлаган эканига иймон келтирадилар.

Ана шу мўъжизалардан бири ва энг буюғи — Куръон Каримдир. Аллоҳ



## Ислом Нури

таоло Куръон Карим билан халкларнинг энг фасохатли, балогатли ва сўзамолини мусобакага даъват этди.

Куръон Каримдан кейинги энг буюк мўъжиза — Аллох таоло пайгамбарини кувватлаган исро ва меърож мўъжизасидир.

“Ахлуссунна вал-жамоа” пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламни уйғоклик пайтида, рухи ва бадани билан исро кечасида “Масжидул-Харом” дан “Масжидул-Аксо” га сайр эттирилгани, кейин эса самога олиб чиқилганига иймон келтирадилар. Бу мўъжиза Аллох таолонинг сўзлари билан собитдир: **“(Аллох) тунда, Ўз бандасини — унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун “Масжидул-Харом” дан Биз атрофини баракотли қилиб қўйган “Масжидул-Аксо” га сайр қилдирган (барча айбу нуксондан) пок зотдир. Дархақиқат, у эшитувчи, қўрувчи зотдир”** (Исро: 1).

Исродан сўнг расулуллох соллаллоху алайхи ва салламни осмонга олиб чиқилди хатто еттинчи осмонгача чиқдилар сўнгра ундан юкорига Аллох хохлаганича олиб чиқилди. Бу — олдида “жаннатул-маъво” бўлган “Сидратул-мунтахо” эди.

Аллох таоло У зотни Ўзи хохлаган нарсалари билан икромлар қилди, унга вахий қилди ва сўзлашди. Унга бир кеча ва кундузда беш вақт намозни фарз қилди. У зот жаннатга кириб кўрдилар, жаханнамга ҳам қарадилар, фаришталарни кўрдилар, Жаброилни Аллох таоло яратган хақиқий суратида кўрдилар. Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг калби кўрган нарсаларини инкор қилмади. Чунки у зот буларнинг хаммасини ўз кўзлари билан кўрдилар. Буларнинг барчаси у зотнинг хурмати, бошқа пайгамбарлардан улуглиги ва ҳаммадан макомининг олийлигини билдириш учун бўлган эди. Бундан кейин



## Ислом Нури

расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам “Байтул-Макдис” га тушдилар ва пайгамбарларга имом бўлиб намоз ўқидилар ва тонг отишидан аввал Маккага кайтдилар. (Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг “Саҳих” ва бошқа ҳадис китобларида бу воқеанинг бутун тафсилотлари баён қилинган).

Аллох таоло деди: **“Энди сизлар (Эй мушриклар, пайгамбар ўз кўзи билан) кўрган нарсаси устида у билан тортишурмисизлар! Дарвоқеъ, У (Жаброил алайхиссолату вассаломни) иккинчи марта “Сидратул-мунтаҳо” олдида кўрди. “Жаннатул-маъво” ҳам унинг олдидадир. Ўшанда “Сидратул-мунтаҳо” ни ўраган нарса (олтин капалаклар) ўраб олганди. (Пайгамбар) нинг кўзи (ўнгу сўлга) оғгани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ. Дарҳақиқат, у Парвардигорининг буюк оятларини кўрди”** (Нажм: 13 – 18).

### **Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг мўъжизаларидан:**

Ойнинг иккига бўлиниши. Бу — Аллох таолонинг пайгамбари соллаллоху алайхи ва салламга унинг пайгамбарлигига далолат қилсин учун берган буюк белгидир. Бу иш мушриклар у зотдан белги талаб қилганларида Макка шаҳрида содир бўлган.

Таомни кўпайтириш. Бу мўъжиза кўп марта содир бўлган.

Сувни кўпайтириш ва у зотнинг бармоқлари орасидан отилиб чиқиши ва таомнинг расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам учун тасбиҳ айтиши. Бу мўъжиза ҳам кўп марта содир бўлган.

Хиссий дорисиз касалларни тузатиш ва у зотнинг кўлларида баъзи



## Ислом Нури

сахобаларнинг шифо топишлари.

Хайвоннинг у зотга одобда бўлиши, дарахтларнинг бўйсунishi ва тошларнинг унга салом айтиши.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга хиёнат ва ўжарлик килган баъзи кишилардан тезда интиком олинishi.

У зотнинг баъзи гайб ишлардан хабар беришлари. Олисларда бўлган ходисаларнинг бўлган захоти хабар беришлари. Бўлмаган ишлардан хабар беришлари ва ўша ишларнинг хақиқатда у зот хабар берганларидек содир бўлганлиги.

У зотнинг барча дуоларининг ижобат бўлиши.

Аллох таолонинг у зот соллаллоху алайхи ва салламни химоя килиши ва душманларни ундан даф килиши. Абу Хурайра разияллоху анху деди: “Абу Жахл: “Мухаммад сизларнинг ичингизда юзларини тупрокка булгайдими (сажда киладими)!” — деди, унга одамлар: “Ха” — деб жавоб бердилар. Абу жахл: “Лот ва Уззо номига онт ичиб айтаманки, агар мен шундай килганини кўрсам унинг бўйинларига (оёкларим билан) босаман ёки юзини тупрокка булгайман!” — деди. Абу Хурайра деди: “Абу жахл расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг олдиларига келди, у зот намоз ўқиётгандилар. У расулуллохнинг бўйинларига босаман деб ўйлади. Тўсатдан улар уни бир нарсадан кўрккандек оркасига чекиниб кўллари билан ўзини химоя килаётганини кўрдилар. Унга: “Сенга нима бўлди” — дейишди? У: “Мен билан унинг ўртасида олов тўла хандак, кўркинч ва канотлар бор эди” — деди.



## Ислом Нури

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: “Агар (у) якинлашса эди фаришталар уни хар бир аъзосини битта-биттадан узиб олишарди ” — дедилар” (Имом Муслим ривояти).

### **Бешинчи рукн: Охират кунига иймон келтириш**

“Ахлуссунна вал-жамоа” охират кунининг бор эканига эътикод килиб, иймон келтирадилар. Бунинг маъноси эса, Киёмат кунини тўла тасдик этиш ҳамда Аллох таоло Куръонида ва Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам хабар берган ўлимдан сўнг бўладиган, жаннат ахллари жаннатга, жаханнам ахллари жаханнамга киргунига қадар бўладиган барча нарсаларга иймон келтириш, демакдир.

Аллох таоло охират кунини ўз китобида кўп зикр қилди. Балки, хар бир муносабат ва хар бир ўринда у ҳақда сўз юритди, унинг бўлишини таъкидлаб, уни кўп зикр қилди. Охират кунига бўлган иймонни Аллохга иймон келтиришга боғлади. Аллох таоло деди: **“Улар (Аллох таолодан такво қилувчи кимсалар) сизга нозил қилинган нарса (Куръон) ва сиздан аввал туширилган нарсалар (китоблар) га иймон келтирадилар ва Охират кунига аниқ ишонадилар ”** (Бақара: 4).

“Ахлуссунна вал-жамоа”: “Киёмат кунининг қачон бўлишининг илми Аллох таоло олдида ва уни Аллохдан бошқа ҳеч ким билмайди” — деб иймон келтирадилар. Аллох таоло деди: **“Дарҳақиқат, Киёмат (куни қачон бўлиши)нинг илми Аллох таолонинг ҳузурдадир”** (Лукмон: 34).

Аллох таоло киёмат кунининг қачон бўлишини бандаларидан сир тутган бўлса-да, унинг якинлашганини билдирадиган белги ва





## Ислом Нури

аломатларни килиб кўйди.

“Аҳлуссунна вал-жамоа” киёмат кунининг белгилари бўлмиш катта ва кичик аломатларга иймон келтирадилар. Чунки булар охират кунига бўлган иймон ичига киради.

### **Киёматнинг кичик аломатлари**

Киёматнинг кичик аломатлари киёмат бўлишидан анча аввал бўлиб, унинг кўринишлари одатдаги ишлар каби бўлади. У гоҳо киёматнинг катта белгилари билан ҳамоҳанг бўлади. Киёматнинг кичик белгилари жуда ҳам кўп бўлиб, биз уларнинг ишончли ривоятлар билан етиб келганларинигина эслатиб ўтмоқчимиз. Улар қуйидагилардир:

Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайгамбар килиб юборилишлари, пайгамбарлик ва рисолатнинг тугаши, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафот этишлари, “Байтул-макдис” нинг фатх этилиши, фитналарнинг пайдо бўлиши, ўтган қавмлардан саналмиш яҳудий ва насронийларнинг йўлларига эргашиш, дажжоллар ва сохта пайгамбарларнинг чиқиши.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам номидан сохта ҳадисларни тўқиш, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини рад этиш, ёлгоннинг кўпайиши, хабарларни накл қилишда уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини текширишнинг йўқолиши, илмнинг кўтарилиши ва илмни кичиклардан ўрганиш, жаҳолат ва бузгунчиликнинг пайдо бўлиши, солиҳ одамларнинг қамайиши, Ислом халқаларининг бирма-бир узилиши, халқларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматларига биргалашиб ҳамла қилишлари ҳамда Ислом ва ислом аҳлининг гариблиги.



## Ислом Нури

Котилликнинг кўпайиши, балонинг каттиклигидан ўлимни умид қилиш, балоларнинг каттиклигидан қабрда ётган одамнинг ўрнида бўлишни орзу қилиш, зилзила ва касалликлар туфайли ўлиш ва кўкқисдан ўлишнинг кўпайиши, эркаклар сони озайиб аёлларнинг кўпайиши, аёлларнинг ярим ялангоч кийинишлари, кўчаларда очик-ойдин зино қилишнинг ёйилиши, одамларни савалайдиган ва золимларга ёрдамчи бўлган мишрабларнинг пайдо бўлиши.

Чолгу асбоблари, ҳамр (маст қилувчи ичимликлар), зино, судхўрлик, ипак, эркакларнинг ипак кийимларни ҳалол санаб кийишлари, ер ютиш, отиш (бундан мурод қавмларни уй-жойлари билан бир томонга отиш ва ер билан яқсон қилиш назарда тутилган бўлса керак, Ислом Нури таҳририяти) ва одамларнинг баъзисини (қилган гуноҳлари сабабли) бошқа махлукларга айлантириш.

Омонатнинг йўқолиши, ишларнинг нолойик одамларга топширилиши, паст-таг-туғи йўқ одамларнинг раҳбар бўлишлари, пастлар яхшиларнинг устида бўлиб қолиши, чўрининг ўз хўжайинини туғиши, қурилишлардаги рақобат, одамларнинг масжидларни безашда гердаишлари, замоннинг ўзгариши: бутларга ибодат қилиш ва Ислом уммати ичида ширк амалларининг пайдо бўлиши.

Танишларгагина салом бериш, тижоратнинг кўпайиши, бозорларнинг яқин бўлиши, ношукрлик билан одамларнинг қўлларида қўп бойликнинг жамланиши, ҳасисликнинг кўпайиши, ёлгондан гувоҳлик беришнинг кўпайиши, хақиқий гувоҳликни яшириш, хаёсизликнинг пайдо бўлиши, одамларнинг хусуматлашиши ва бир-бирларидан нафратланишлари ҳамда газабланишлари, қариндошлик алоқаларининг узилиши ва ёмон кўшничилик қилиш.



## Ислом Нури

Вактнинг кискариши ва ундан бараканинг кетиши, хилол янги ойнинг йўгонлашиши, коронгу кечанинг бўлаклари каби фитналарнинг пайдо бўлиши, Ислом рағбатлантирган суннатларга амал килишда сустлик килиш ва карияларнинг ўзларини ёшларга ўхшатишлари.

Йирткич хайвонлар ва тоғу тошларнинг одамларга гапиришлари, Фурот дарёсининг сувларини олтиндан бўлган тоғ сабабидан қуриши ва мўъмин тушларининг рост бўлиши.

Расуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг Мадинаси барча ифлосликларни йўқ қилади ва у ерда солих ва такволи кишиларгина қолади. Араб ярим оролида яйлов ва дарёларнинг қайта пайдо бўлиши ва Кахтондан одамлар итоат этадиган бир одамнинг чиқиши.

Румликларнинг кўпайиши ва мусулмонларга қарши уруш қилишлари, мусулмонларнинг яҳудийлар билан уруш қилишлари ва дарахт ва тошларнинг: “Эй мусулмон, мана бу яҳудий, кел уни ўлдир” — деб айтиши.

Константинопол фатх этилганидек Римнинг ҳам фатх этилиши ва бундан бошқа саҳих ҳадисларда ривоят қилинган хабарлардир.

### **Киёматнинг катта белгилари**

Киёматнинг катта белгилари киёматнинг яқин қолганига далолат қилади. Агар бу белгилар кўринса, ундан кейин киёмат бўлади.

“Ахлуссунна вал-жамоа” киёматнинг катта белгиларига расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан ривоят қилинганидек иймон келтирадилар. Уларнинг баъзилари:



## Ислом Нури

Махдийнинг чиқиши: Унинг исми Мухаммад ибн Абдуллох, пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг ахли-байтидан. У машрик тарафидан чиқиб, етти йил ҳукм қилади. У жабр ва зулмга тўлган ер юзини адолатга тўлдиради. У ҳукм қилган даврда Ислом уммати аввал кўрмаган фаровонликни кўради. Ер бор ўсимлигини чиқаради, осмон эса ёмғирларини ёғдиради, У молни ҳисобсиз беради.

Масихуд-Дажжолнинг чиқиши, Ийсо алайхиссолату вассаломнинг Шомдаги Дамашкнинг шарк томонидаги Ок Минор олдида нозил бўлишлари. Ийсо алайхиссолату вассалом Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам олиб келган шариатга амал қилиб, у билан ҳукм қилувчи бўлиб тушадилар. У Дажжолни ўлдиради ва Ер юзида Ислом билан ҳукм қилади. Ийсо алайхиссолату вассалом Хак учун жанг қиладиган ва Дажжолга қарши уруш қилишга жамланиб турган ҳамда Аллох тарафидан мададланган тоифа олдида намозга такбир айтилган вақтда нозил бўладилар ва ўша жамоанинг амири орқасида иқтидо қилиб намоз ўқийдилар.

Яъжуж ва маъжужнинг чиқиши, уч марта Ер ютиши: машрикда, магрибда ва Араб жазирасида. Тутуннинг чиқиши, Куёшнинг ботиш тарафидан чиқиши, Ер жониворининг чиқиши ва одамлар билан сўзлашиши, одамларни жамлайдиган оловнинг бўлиши.

“Ахлуссунна вал-жамоа” Аллох таоло ва расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам хабар берган ўлим талвасаси ва ўлимдан сўнг бўладиган ўлим фаришталарининг ҳозир бўлишлари, мўъминнинг роббиси билан учрашганида қувониши, ўлим пайтида Шайтоннинг ҳозир бўлиши, кофирнинг ўлими олдида келтирган иймонининг қабул бўлмаслиги, барзах олами (ўлимдан сўнг то қиёмат кунига қадар давом этадиган ҳаёт), қабрнинг неъматлари, азоблари ва фитналари, қабрдаги



## Ислом Нури

фаришталарнинг саволлари, шахидларнинг роббилари хузурида тирикликлари ва ризкланишлари, саодатли кишиларнинг рухлари неъматда, бахтикарро кишиларнинг рухлари азобда экани каби барча гайб ишларига иймон келтирадилар.

“Ахлуссунна вал-жамоа” тирик ва бархаёт Аллох таоло хаёт ва тирикларни йўқ қилиб, сўнгра қабрлардаги ўликларни қайта тирилтириб, ўз хузурида турғизиб ҳисоб-китоб қилишига иймон келтирадилар.

“Ахлуссунна вал-жамоа” сурга икки марта дам урилишига иймон келтирадилар. Унинг биринчиси кўрқитиш дами: унда бутун Олам ўзгаради ва ундаги интизом бузилади, барча жонзотлар фоний бўлади.

Иккинчиси эса қайта тирилтириш, жамлаш ва барчанинг Роббул-Олабийн учун туришлари учун урилган дам.

“Ахлуссунна вал-жамоа” қайта тирилиш ва жамланишга, Аллох таоло қабрлардаги одамларни қайта тирилтириши, одамлар Роббул-Олабийн олдида ялангоч, ялангоёқ ва хатна қилинмаган ҳолда туришларига иймон келтирадилар, Қуёш уларга жуда ҳам яқин бўлади, уларнинг баъзилари ўзларидан оккан терларга кўмилиб то бўғизларигача етади, биринчи бўлиб қайта тирилтириладиган ва қабри ёриладиган одам — пайгамбармиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам бўладилар.

Бу дахшатли кунда одамлар ўз қабрларидан бир лахзада атрофларга ёйилган чигирткалар мисоли, чакирувчига шошган ҳолларида чиқиб келадилар. Сўнгра, атроф жим-жит, ҳаммага кўрқинчли сукунат ҳукмрон бўлади. Шу пайтда амаллар ёзилган номалар — саҳифалар тарқатилади. Барча сирлар очилади. Аллох таоло бандалари билан



## Ислом Нури

Киёмат кунида сўзлашади, У билан бандалари ўртасида таржимон бўлмайди. Одамларни ўзлари ва оталарининг исмлари билан чакирилади.

“Ахлуссунна вал-жамоа” бандаларнинг амаллари тортиладиган икки паллали тарозига, амал саҳифаларининг таркатилишига, уни баъзилар ўнг, баъзилар чап ва баъзилар орка тарафларидан олишларига иймон келтирадилар.

“Ахлуссунна вал-жамоа” жаханнам устига қурилган, солих кишилар ўтиб, гунохкорлар йикиладиган “Сирот” га иймон келтирадилар.

“Ахлуссунна вал-жамоа” жаннат ва жаханнам яратилган, ҳозирги кунда ҳам мавжуд, улар ҳеч ҳам фоний бўлмаслигига, жаннат муваххид мўъминлар ва такволиларнинг жойи эканига, жаханнам эса масихий, яхудий ва бутпарастлар каби мушрик-кофирлар ва гунохкорларнинг диёри эканига иймон келтирадилар. Гунохкор (мўъмин) ларнинг дўзахи фоний бўлади, кофирларнинг дўзахи эса фоний бўлмайди. Жаннат ҳеч қачон фоний бўлмайди. Аллоҳ таоло жаннат ва жаханнамни махлукларни яратишдан аввал яратгандир.

“Ахлуссунна вал-жамоа” Муҳаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг уммати киёмат кунида биринчи бўлиб ҳисоб қилиниши, биринчи бўлиб жаннатга кириши, улар жаннат ахлининг ярми экани ва ҳамда улардан етмиш мингги жаннатга ҳисоб-китобсиз киришига иймон келтирадилар.

“Ахлуссунна вал-жамоа” муваххидлар жаханнамда абадий қолмасликларига иймон келтирадилар. Улар Аллоҳ таолога шерик қилишдан бошқа гунохларни қилганликлари сабабли дўзахга



## Ислом Нури

кирганлар, холос, чунки, мушриклар жаханнамдан чикмасдан мангу коладилар.

Улар пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг киёмат кундаги хавзининг суви сутдан кўра окрок, асалдан ширинрок, мушк-анбардан хушбўйрок, идишлари самонинг юлдузлари саногича, узунлиги бир ойлик эни хам бир ойлик масофа, ундан ичган киши хеч хам чанкамас, у динда бидъат ишларни килган кишилар учун харомдир, деб иймон келтирадилар.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Хавзим (нинг катталиги) бир ойлик йўлдир. Унинг суви сутдан окрок, мушкдан хушбўйрок ва идишлари самонинг юлдузлари (каби кўпдир). Ундан ичган кимса хеч хам чанкамас” (Имом Бухорий ривояти).

Ва яна дедилар: “Мен сизларни хавзим олдида кутиб тураман. Ким менинг олдимдан ўтса (хавзимнинг сувидан) ичади. Ким ундан сув ичса мудом чанкамас. Менинг олдимга мен таниган ва мени хам таниган кимсалар сув ичиш учун келадилар ва мен билан улар ўртасини тўсиб кўйилади”. (Бошка бир ривоятда): “Мен: “улар мендан” — деб айтаман. Менга: “Сиз улар сиздан сўнг нима ишлар пайдо килганларини билмайсиз.”, дейилади. Шунда, мен: “Мендан сўнг ўзгартишлар килган кишилар узок бўлсинлар! узок бўлсинлар! — дейман.” (Имом Бухорий ривояти).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам учун шафоат ва “макталган маком” — “ал-Макомул-Махмуд” собитдир. У зотнинг шафоатлари мавкиф (махшар — киёматгох) да турган кишилар ўртасида хукм килиш учун, жаннат ахлларининг жаннатга киришлари учун, (холбуки, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг ўзлари



## Ислом Нури

жаннатга биринчи бўлиб кирадилар), амакилари Абу Толибнинг жазосини енгиллатиш учун шафоат килишлари (бу уч шафоат расулуллох соллаллоху алайхи ва салламгагина берилган бўлиб, бошқаларга берилмаган).

Жаннатга кирадиган умматидан бўлган баъзи кишиларнинг олий макомларга кўтариш учун шафоатлари ва жаннатга ҳисоб-китобсиз кирадиган умматидан бўлган кишилар учун шафоатлари.

Яхшилик ва ёмонликлари тенг бўлган кишиларнинг жаннатга киришлари учун шафоатлари. Жаханнамга киришлари амр этилган баъзи кишиларнинг жаханнамга кирмасликлари учун шафоат килишлари.

Ўз умматидан азобга мустаҳик кишилардан азобни енгиллатиш учун шафоатлари ва муваххидлардан осий бўлганларини жаханнамдан чиқаришларидаги шафоатлари. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам шафоат қилганларидан сўнг улар жаннатга кирадилар.

Сўнгги шафоатда (яъни, муваххидлардан осий бўлганларини жаханнамдан чиқаришда) фаришталар, пайгамбарлар, шаҳидлар, сидддиқлар, солихлар ва мўъминлар муштаракдирлар. Буларнинг ҳаммасининг шафоатларидан кейин Аллох субхонаху ва таоло ўз фазли ва карами билан ҳеч бир шафоатсиз кўплаб одамларни жаханнамдан чиқаради.

Кофирлар учун шафоат йўқдир. Аллох таоло деди: **“Уларга шафоат килувчиларнинг шафоатлари фойда бермайди”** (Муддассир: 84)

Шафоатнинг икки шарти бор:





## Ислом Нури

Биринчиси: шафоат килиш учун Аллох таолонинг изн бериши. Аллох таоло деди: **“У (Аллох) нинг хузурида хеч ким (бировни) Унинг изнисиз шафоат кила олмайди”** (Бакара: 255).

Иккинчиси: Аллох таолонинг шафоат килувчи ва шафоат килинувчилардан рози бўлиши. Аллох таоло деди: **“(Улар) факат (Аллох) рози бўлган кишиларнигина шафоат киладилар”** (Анбиё: 28).

Киёмат кунида мўъминнинг килган амали хам шафоат килади. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: “Рўза ва Куръон киёмат куни банда учун шафоат килади” — дедилар (Имом Муслим ривояти).

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам хабар берганларидек, киёмат куни ўлимни олиб келинади ва уни сўйиб ташланади: «Жаннат ахли жаннатга, жаханнам ахли жаханнамга кириб бўлишгач ўлимни жаннат ва жаханнам ўртасидаги бир ерга олиб келинади ва бўғизланади. Кейин бир даргачи: “Эй жаннат ахли, (энди) ўлим йўк! Эй жаханнам ахли, (энди) ўлим йўк!” — деб нидо килади. Жаннат ахли кувончларига кувонч, жаханнам ахли кайгуларига кайгу зиёда бўлади” (Имом Муслим ривояти).

### **Олтинчи руқн: Кадар (такдир)га иймон келтириш**

“Ахлуссунна вал-жамоа” хар бир яхшилик ва ёмонлик Аллох таолонинг казоси (хукми) ва кадари (ўлчови) билан бўлишига, Аллох таоло хоҳлаган нарсасини килувчи, барча нарса Аллох таолонинг хоҳиши билан бўлиб, унинг хоҳиш даражасидан ташкари бўлмаслигига, Аллох таоло бўлган ва бўладиган барча нарсаларни бўлишидан аввал азалда билган экани, ўзининг аввалдан билиши ва хикмати такозо этганидек



## Ислом Нури

барча нарсаларни такдирлаб кўйгани, бандаларининг ахволи, ризки, ажали амаллари ва уларнинг бошка нарсаларини билишига, барча нарса Аллох таолонинг илми, кудрати ва иродасидан содир бўлгани, хуллас, абадга қадар бўладиган барча нарса Аллох таолонинг илми ўтган (яъни, Аллох бир нарсанинг бўлишидан аввал унинг қандай бўлишини билиши) ва қалам ёзган нарсалар эканига қатъий эътиқод қиладилар. Аллох таоло деди: **“(Бу) илгари ўтган (пайгамбарлар) ҳикидаги Аллохнинг йўли — қонунидир. Аллохнинг амри такдир — белгиланган миқдор бўлди”** (Ахзоб: 38).

**“Биз барча нарсани ўлчов билан яратдик”** (Қамар: 49).

Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: “Банда такдирнинг яхши ва ёмони Аллохдан эканига иймон келтирмагунича ва ўзига етган нарса хато қилмаслигини, хато қилгани эса етмаслигини билмагунига қадар қомил мўъмин бўла олмайдди (Шайх Албоний: “Сахиҳу Сунанит-Термизий”).

“Ахлуссунна вал-жамоа”: “Такдирга бўлган иймон тўрт нарса билангина муқаммал бўлади деб айтадилар. Улар: “такдирнинг босқичлари” ёки “такдирнинг рукнлари” деб аталади. Мана шу нарсалар қадар масаласини тушуниш учун қиришдир. Такдирга бўлган иймон унинг барча рукнларини рўёбга чиқариш билангина қомил бўлади. Чунки улар бир-бири билан қамбарчас боғлиқдир. Бу рукнларнинг барчасига иймон келтирган қишининг иймони муқаммал, бу рукнларнинг бири ёки бир нечасига иймон келтирмаган қишининг иймони бузилган бўлади.

**Биринчи босқич: Илм-билиш.**



## Ислом Нури

Бу: “Аллох таоло бўлиб ўтган ва бўладиган нарсалар, бўлмаган нарса агар бўлса қандай бўлишини умумий ва муфассал суратда билади. У махлуқларнинг нима иш қилишларини уларни яратишидан аввал билган. У уларнинг ризқлари, ажаллари, амаллари, ҳаракатлари, суқунатларини, уларнинг бахтли ва ва бахтиқароларини билган. Аллох таолонинг бу билиши унинг азалдан сифатланган қадим илми биландир” — деб иймон келтириш, демақдир.

Аллох таоло деди: **“Дарҳақиқат, Аллох таоло ҳар бир нарсани билувчидир”** (Тавба: 115).

### **Иккинчи босқич: Ёзиш.**

Бу: “Аллох таоло махлуқларининг тақдирини илми аввалийсида билганига мувофиқ “Лавҳул-Махфуз” га ёзиб қўйган эканига, бу китоб ҳамма нарсани ўз ичига олган ундан бирор нарса тушиб қолмаган. Қиёмат кунига қадар бўлиб ўтган, бўлаётган ва бўладиган барча нарса “уммул-Китоб” да ёзилган эканига, бу китобни: “аз-Зикр”, “ал-Имом” ва “ал-Китабул-Мубийн” деб аталишига” иймон келтириш, демақдир. Аллох таоло деди: **“Барча нарсани Биз очик Китобда (Лавҳул Махфузда) санаб-белгилаб қўйгандирмиз”** (Ё-син: 12).

Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: “Аллох таоло биринчи бўлиб қаламни яратди ва унга: “Ёз!” — деди. Қалам: “Нимани ёзай” — деди. Аллох таоло: “Тақдирни ёз, бўлган ва илалабад бўладиган нарсаларни ёз!” — деди” (Шайх Албоний: “Сахиҳу Сунанит Термизий”).

### **Учинчи босқич: Ирода ва хоҳиш.**



## Ислом Нури

Яъни Коинотда содир бўлаётган барча нарса Аллох таолонинг раҳмат ва хикмати ўртасида айланувчи ирода ва хоҳиши билан бўлади. Аллох хоҳлаган кишисини ўз раҳмати билан хидоят қилади, хоҳлаган кишисини эса ўз хикмати билан адаштиради. Аллох таоло хикмати ва салтанати комил бўлгани учун қилган ишларидан сўралмайди. Балки, бандалар қилган ишларидан сўраладилар. Чунки содир бўлган нарса “Лавхул-Махфуз” да ёзилган Аллох таолонинг ўтган илмига мосдир. Демак, Аллох таолонинг хоҳиши бўлувчи ва кудрати барча нарсани ўз ичига олувчидир. Аллох хоҳлаган нарса бўлади, хохламаган нарса бўлмайди. Бирон нарса унинг хоҳишидан четга чиқа олмайди. Аллох таоло деди: **“Сизлар фақат бутун Оламлар Роббиси бўлган Аллох хоҳласагина хоҳлайсизлар”** (Таквир: 29).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Одам фарзандларининг барчаларининг қалблари Раҳмон (Аллох) нинг икки бармоғи ўртасида бир қалб қабидир. У (Аллох) уни хоҳлаганидек айлантиради» (Имом Муслим ривояти).

### **Тўртинчи боскич: Яратиш.**

Бу боскич қуйидаги нарсаларга иймон келтириш, демакдир:

Аллох таоло барча нарсанинг Холиқидир, ундан бошқа Холик ва Роб йўқдир. Аллох таолодан бошқа барча нарса махлук бўлиб, У ҳар бир амал қилувчи ва унинг амалини, ҳар бир ҳаракатланувчи нарса ва унинг ҳаракатини яратувчидир. Аллох таоло деди: **“... ва (У, Аллох) барча нарсани яратиб (аник) ўлчов билан ўлчаб қўйган Зотдир”** (Фурқон: 2).

Содир бўлаётган барча яхшилик ва ёмонлик, куфр ва иймон, тоат ва



## Ислом Нури

маъсиятни Аллох таоло хохлаган, тақдир килган ва яратган. Аллох таоло деди: **“Хеч бир жон мўмин бўла олмас, магар Аллохнинг изни-иродаси билангина (мўмин бўлади) ”** (Юнус: 100).

Яна бир оятда: **“Айтинг: «Бизга фақат Аллох биз учун ёзиб кўйган нарсанигина етур”.** (Тавба: 51).

Аллох таоло яратиш ва вужудга келтиришда Ёлгиздир, У барча нарсанинг истисносиз яратувчиси, ундан бошқа Холик ҳам, Роб ҳам йўқдир. Аллох таоло деди: **“Аллох барча нарсанинг Яратувчидир. У барча нарсанинг устида Вакил-Хомийдир”** (Зумар: 62).

Аллох таоло тоатни яхши кўради ва осийликни ёмон кўради. Ўзи хохлаган одамни ўз фазли билан хидоятлайди ва хохлаган одамни ўз адолати билан адаштиради. Аллох таоло деди: **“Агар сизлар кофир бўлсангизлар, албатта Аллох сизлардан бехожатдир. (Аmmo) У Ўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас. Агар шукр килсангизлар, (ва иймон келтирсангизлар) у сизлар учун (фақат шукр килиб, иймон келтиришингизларгагина) рози бўлур. Хеч бир кўтаргувчи (яъни, гунохкор жон) ўзга жоннинг юкини (гунохини) кўтармас”** (Зумар: 7).

Аллох адаштирган одам учун хужжат ва узр йўқдир. Чунки Аллох таоло одамларнинг хужжатларини йўқ қилиш учун пайгамбарларни юборди, банданинг амалини унинг ўзига боғлади ва унинг касбидан деб ҳисоб қилди. Инсонни кодир бўла оладиган нарсаларгагина буюрди. Аллох таоло деди: **“Бу кунда хар бир жон ўзи қилган иш-амали билан жазоланур. Бу кунда (хеч қимга) зулм қилинмас) ”** (Гофир: 17).



## Ислом Нури

Бошка оятда деди: **“Дархакикат, Биз уни (инсонни) (Тўгри) йўлга хидоят килдик, (энди) у хох шукр килгувчи бўлсин ва хох кўрнамак-кофир бўлсин.”** (Инсон: 3).

Яна бир оятда деди: **“Токи бу пайгамбарлар (ўтганлари)дан кейин одамлар учун Аллохга карши хужжат бўлиб колмаслиги учун пайгамбарларни (мўминларга жаннат хакида) хушхабар берувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) кўркитувчи килиб юбордик.”** (Нисо: 165).

Аллох таоло деди: **«Аллох хеч бир жонни токатидан ташкари нарсага таклиф килмайди»** (Бакара: 286).

Лекин, Аллох таолонинг раҳмати баркамол бўлгани учун унга ёмонликнинг нисбатини берилмайди. Чунки У яхшиликка буюриб, ёмонликдан кайтарди. Ёмонлик факатгина Аллох таолонинг хикмати такозо килган нарсалардагина бўлади. Аллох таоло деди: **“Сенга етган хар кандай яхшилик факат Аллохдандир. Сенга етган хар кандай ёмонлик эса ўзингдандир”** (Нисо: 79).

Аллох таоло зулм килишдан покдир. У адолат билан сифатланган ва хеч кимга зарра микдорида зулм килмайди. Унинг барча ишлари адолат ва раҳматдир.

Аллох таоло деди: **“Мен бандаларга зулм килувчи эмасман”** (Коф: 29).

Бошка оятда деди: **“Роббиггиз хеч кимга зулм килмайди”** (Кахф: 49).



## Ислом Нури

Яна бир оятда: **“Дархакикат, Аллох таоло заррача ҳам зулм килмайди”** (Нисо: 40).

Аллох таоло килган ёки хоҳлаган нарсасидан масъул эмасдир. Аллох таоло деди: **“У (Аллох) Ўзи киладиган бирон нарса хакида масъул бўлмас. Улар (яъни, бандалар эса киладиган хар бир иш-амаллари хусусида) масъул бўлурлар ”** (Анбиё: 23).

Аллох таоло инсонни ва инсоннинг ишларини яратди. Унга килган ишлари мажоз эмас, хакикат бўлиши учун ирода, кудрат, ихтиёр ва хошишни берди. Бундан ташкари, унга яхшилик билан ёмонлик ўртасини ажратиб оладиган аклни берди ва уни ўз хошиш ихтиёри билан килган ишлардагина хисоб-китоб килади. Инсон ишларни килишга мажбурланган эмас. Балки, унинг ўз хошиш ва ихтиёри бор, у ўз ишлари ва эътиқодини ўзи ихтиёр килади. Бирок, инсон ўз хошишларида Аллох таолонинг хошишига тобеъдир. Аллох таоло хоҳлаган хар бир нарса бўлади, хохламаган нарса эса бўлмайди. Аллох таоло бандаларининг ишларини яратади. Бандалар эса Аллохнинг яратганларини бажарувчилар. Бас, Аллохдан амалларни яратиш, ижод ва такдир килиш, бандалардан эса килиш ва касб этишдир. Аллох таоло деди:

**“...сизларнинг орангиздаги Тўгри йўлда бўлмокни хоҳлаган кишилар учун бир эслатмадир. Сизлар факат бутун Оламлар Роббиси бўлган Аллох хоҳласагина (Тўгри йўлда бўлишни) хоҳлайсизлар”** (Таквир: 28, 29).

Такдирни хужжат килиб: **“Агар Аллох хоҳлаганда эди на биз ва на бизнинг ота-боболаримиз мушрик бўлмаган ва бирон нарсани харом килиб олмаган бўлур эдик”** (Анъом: 148) — деб айтган



## Ислом Нури

мушрикларга уларнинг бу даъволарини рад этиб Аллох таоло деди:  
**“(Эй Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам) Айтинг:  
“Олдиларингда бизга кўрсатадиган (айтаётган сўзларингизни тасдиқловчи) бирон хужжатингиз борми? Сизлар факат гумонга эргашмокдасиз, сизлар факат ёлгон сўзламокдасиз!”**(Анъом: 148).

“Ахлуссунна вал-жамоа” “Такдир Аллох таолонинг махлукотларидаги сиридир. Уни на Аллохга якин бўлган фаришта ва на юборилган пайгамбар билади. Такдирга назар килиш ва уни чуқур ўрганиш — залолатдир. Чунки, Аллох таоло такдир илмини махлукларидан яширди ва уни талаб килишдан уларни кайтарди. Аллох таоло деди: **“У (Аллох) Ўзи киладиган бирон нарса хакида масъул бўлмас. Улар (яъни, бандалар эса киладиган хар бир иш-амаллари хусусида) масъул бўлурлар ”** (Анбиё: 23). — деб эътикод киладилар.

“Ахлуссунна вал-жамоа” ўзларига муҳолиф бўлган ва адшаган гурухларга Аллох таолонинг ушбу сўзи билан хитоб килиб уни хужжат киладилар: **“Айтинг: “Хамма нарса Аллохдандир”. Нега бу кавм кишилари хеч гап англамайдилар-а?! ”** (Нисо: 78).

Мана шулар сахобалар, тобиинлар ва уларга киёмат кунига кадар яхшилик билан эргашган салаф солихлар иймон келтирган нарсалардир. Аллох таоло уларнинг барчасидан рози бўлсин!

- Мўъжиза — Аллох таоло пайгамбарлари кўлида ўзларининг ростгўй эканликларини тасдиқлашлари учун жорий киладиган гайри табиий ишдир. Мўъжизанинг бўлиши мумкиндир. Чунки сабаблар ва мусаббаб (сабаблантирилган) нарсаларни яратган Аллох таоло сабабият





## Ислом Нури

конунларини ўзгартишга кодирдир. Аллох таолонинг чексиз кудрати олдида мўъжизаларнинг содир бўлиши ажабланарли эмасдир. Аллох таоло хохлаган ишини кўзни юмиб, очишдан кўра тезроқ вақтда бажара олади. Аллох таоло деди: “Аллох таолонинг иши агар у бирон нарсани хохласа унга: “Бўл!” деб айтади ва у бўлади” (Ё-син: 82).

– Ибн Каййим –Аллох раҳмат килсин- деди: «**Тогут** –банданинг ибодатда, эргашишда ва итоат килишда хаддидан ошишлигидир. Шу нуктайи назардан тогутлар беҳисобдир. Уларнинг катталари бешдир: 1- Шайтон –лаънатуллохи алайхи. 2- Бир кимсаки унга ибодат килинади ва у бунга рози бўлади. 3- Инсонларни ўзига ибодат килишга чорлаган кимса. 4- Оз бўлсада гайб илмидан хабардорман деб даъво килган кимса. 5- Аллох нозил килган шариатдан бошқаси (замонавий инсолар томонидан кўйилган конунлар) билан ҳукм килган хоким.

– (Масихуд-Дажжолнинг фитнаси катта фитналардандир. Чунки Дажжол куфр, залолат ва фитналарнинг манбаидир. Пайгамбарларнинг барчаси ўз кавмларини Дажжол фитнасидан огохлантирди. Бу огохлантиришга энг кўп эътибор берган Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам бўлиб, умматларини бу фитнадан огохлантирар эканлар барча намозларидан сўнг Аллох таолодан бу фитнадан панох сўрар эдилар)

– Сирот — жаннатга ўтиб бориладиган йўлдир. Одамлар Сирот устидан килган амалларига караб ўтиб борадилар. Уларнинг баъзилари кўзни юмиб-очгунча, баъзилари чакмоқдек, баъзилари эсган шамолдек, баъзилари учкур отдек, баъзилари туя юришидек, баъзилари югуриб, баъзилари юриб, баъзилар эмаклаб ўтиб борадилар. Баъзи одамларни тутиб, жаханнамга отилади. Хар бир киши ўзининг килган амалларига



караб азобланади токи гуноҳ ва хатоларидан пок бўлади. Сиротдан ўтган одамлар жаннатга кириш учун тайёрланадилар ва жаннат билан жаханнам ўртасидаги бир майдонда кутиб турадилар. Уларнинг бир-бирларидан касослари олиниб (бу касосларни уламолар калб амалларида деганлар, хасад, гина каби) покланганларидан сўнг жаннатга киришларига изн берилади.